

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Минтақавий маркази директори

_____ К.Убайдуллаев

“_____” _____ 2015 йил

**“ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Нукус – 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”
МОДУЛИ БҮЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: доц. З.Шеримбетова

Нукус – 2015

МУНДАРИЖА

МУНДАРИЖА	2
ИШЧИ ДАСТУР	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ	5
1-мавзу. Олий таълимда ўқитишнинг методлари	5
2-мавзу. Талабаларнинг мустақил таълим, курс ишлари ва битириув малакавий ишларини ёзиш ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси	17
3-мавзу. Олий таълим муасасаси ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш методикаси	22
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	29

ИШЧИ ДАСТУР

Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари

• Тингловчиларга психология фанини ўқитиш методикаси бўйича илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;

• Психология фанининг замонавий янгича назарий концепцияларининг мазмун-моҳиятини ёритиш, уни таълим-тарбия жараёнида қўллашнинг афзалликлари тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аник илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;

• Ўзбекистонда психология фанининг сўнги ютуқлари билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш ва унинг асосий йўналишининг ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

Фан бўйича билимлар, кўнималар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Фан мазмуни ўқув режадаги биринчи блок ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Фаннинг Олий таълимдаги ўрни

Психология фанини ўқитиш методикаси масалалари бўйича муҳим янги назарий концептуал гоялар илгари сурилган. Олий таълимда психология фанини ўқитиш усуллари, талабаларнин маъruzza, амалий, семинар машғулотларини ва талабалар томонидан бажариладиган илмий ишларни қандай ишлаш хусусиятлари негизларига таянган ҳолда амалга ошириш концепциясида ўзининг ифодасини топади.

Маъруза машғулотлари мавзулари

№	Мавзунинг номи	Маъруза	Семинар	Кўчма машғулот	Тажриба алмашинш	Мустақил
1.	Олий таълимда ўқитишнинг методлари.	2	2	-	-	-
2.	Талабаларнинг мустақил таълим, курс ишлари ва битириув малакавий ишларини ёзиш ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси.	2	4	-	-	2
3.	Олий таълим муассасаси ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш методикаси.	2	4	-	-	2
ЖАМИ: (20 соат)		6	10	-	-	4

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-мавзу. Олий таълимда ўқитишинг методлари (2 соат маъруза)

Режа:

- 1.Олий таълимда маъруза ўқиши методикаси ва маърузаларнинг турлари.
- 2.Амалий машғулотлар, семинарлар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш методикалари.
- 3.Магистратура босқичида ўқитиладиган махсус фанларнинг методикаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч иборалар: олий таълим, метод, методология, ўқитии методлари, олий мактаб дидактикаси.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МАЪРУЗА ЎҚИШ МЕТОДИКАСИ ВА МАЪРУЗАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.

Олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ўқитиши шаклларининг оптимал даражада ташкил этишни, баркамол шахсни шакллантириш назариясини турли янги ғоялар билан бойитиши пухта билиши лозим. Зоро, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга татбиқ этиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига ҳам боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади. Ушбу тажрибалар ўқитиши шаклларида фойдаланиладиган ўқитиши қонуниятлари, принципларини ижодий қўллашда, илмий билишга доир ғоялар, назариялар, қонуниятларни амалиётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги олий мактаб дидактикасида қандай ўқитиш жараёни қонуниятлари мавжуд?

Олий мактабдаги ўқув жараёнига системали ёндашув нүктаи назаридан қаралганда унинг ўзаро боғланган икки тизими амал қиласи.

Биринчидан, ўқув жараёни ўзининг ўқитиш мақсади, ўқитиш ва ўқув фаолияти, таълим мазмуни, ўқитиш воситаларидан иборат мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Улар ўзаро бир-бири билан боғланиб кетган.

Иккинчидан, ўқув жараёни нисбатан йирик тизим бўлган педагогик жараённинг таг тизимиdir. Бу тагтизим ўқитиш, таълим бериш ва тарбия жараёни бирлиги сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга бу тизимда салмоқли тизим сифатида олий ўқув юрти ўқув жараёни ривожланиши қонуниятларига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий жараёнлар ва талаблар тизим ҳам мавжуд.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР, СЕМИНАРЛАР ВА ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАЛАРИ

Олий таълим ўқитиш тизимига маъруза билан биргаликда **амалий** (машқ, семинар ва лаборатория) **машғулот** тури ҳам кирадики, улар: таълимий, тарбиявий ва назарияни амалиёт билан боғлаш функцияларини бажаради.

“Амалий машғулот” термини педагогикага оид адабиётларда ҳам кенг, ҳам тор маънода изохланади. “Амалий машғулот” термини кенг маънода машқ, семинар (уларнинг барча турлари) ва лаборатория машғулотларини умумлаштиради. Амалий машғулотларнинг маъruzадан фарқланадиган асосий меъёрларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характердадир. Улар вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар маъruzada илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва аниқлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини мустаҳкамлаш, амалиётга қўллаш ва синашга ҳам хизмат қиласи.

Амалий машғулот шакларидан бири **семинардир**. Семинар машғулотлари куйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

- маъruzada баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

- талабаларнинг илмий-тадқиқот, билиш қобилияларини ўстириш;
- назарий ўқитиш жараёнида эгаллаган билимларининг амалиётда тан олиниши.

Педагогика назарияси ва амалиётида семинар машғулотларининг уч тури фарқланади: семинар олди машғулоти, семинар ва маҳсус семинар.

Семинар олди машғулотлари, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуслари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинар олди машғулотлари семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади.

Семинар олди машғулотларида ўқитувчи етакчилик қиласи, чунки талабалар муайян ихтисослик бўйича ўкув ишларига кам эътибор берадилар, шунинг учун ҳам етарли даражада ташаббус кўрсата олмайдилар.

Семинар машғулотларида семинар олди машғулотларига нисбатан ўта муҳим вазифалар ҳал қилинади. Масалан, айрим семинарлар тематик боғланган муайян мунтазам курсни чуқур ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бошқалари эса бирор мавзуни ёки курснинг алоҳида ва ниҳоятда муҳим ва умумий бўлган мавзуларини методологик жиҳатдан ишлаб чиқишига бағишлиланган бўлади.

Маҳсус семинарлар маъруза мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фаннинг дастури мазмунига кирмайди. Одатда фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадида кўлланилади.

Лаборатория машғулотлари. Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шундаки, унда талабалар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки эксперимент ўтказадилар.

Илмий-техник тараққиёт шароитида лаборатория ишлари талабага назарий билимларни кўллаш механизмини чуқур ва кўргазмали ўрганиш имконини беради. Лаборатория машғулотлари талабада тадқиқот ўтказиш қўнимларини шакллантиради, фан ва техникага ижодий ёндашишни таъминлайди, экспериментнинг умумий методикасини эгаллашга имкон беради.

Лаборатория машғулотларини ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- лаборатория машғулотларини режалаштира олиш ва ўтказа олиш;

- лаборатория машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- фан ва ишлаб чиқариш бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равиша қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий жиҳатдан тайёрлаш;
- лаборатория машғулотлари нафақат конкрет мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

МАГИСТРАТУРА БОСҚИЧИДА ЎҚИТИЛАДИГАН МАХСУС ФАНЛАРНИНГ МЕТОДИКАСИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар бундай режаларни турлича: «машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилиш схемалари», «саволнома», «дастурлар» сифатида ўрганадилар. Уларнинг барчасини мақсади таҳлил этилаётган машғулотларнинг турли жиҳатлари, компонентлари, бориши йўналишларига қўйилган талабларни беришдан иборат:

- ўқитувчи ва талабаларнинг фаолияти;
- машғулотнинг босқичма-босқич тузилиши;
- машғулотнинг мазмуни;
- аниқ мақсадларни амалга оширилиши;
- ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиш даражаси;
- таҳсил олувчиларнинг мустақил ишларини йўлга қўйилганлиги;
- таҳсил олувчиларни фаоллаштириш омилларидан фойдаланилганлиги кабилар.

Педагогик амалиётда кўпроқ машғулотни умумий (мажмуавий) таҳлил қилиш режасидан кўпроқ фойдаланилади. Машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилиш режасидан қайси бирини танлаш машғулотга қандай мақсадни қўзлаб қатнашишга; кузатувчининг касбий тайёргарлик даражасига; қатнашувчи эгаллаб турган лавозимига ва кузатишни ташкил этиш шакли кабиларга боғлиқ.

Машғулотларга иштирок этиш мақсадлари қўйидагича бўлиши мумкин:

1. илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш ва умумлаштириш;
2. ўқитиш сифати ва самарадорлигини назорат қилиш;
3. илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш кабилар.

Шу ўринда машғулотга жамоавий тарзида ёки индивидуал қатнашиш шакли ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш лозим. Машғулотга қатнашишдан олдин ўқитувчининг тақвими бўйича мавзулар режаси, машғулот режаси ва ишчи режаси билан танишиши мақсадга мувофиқ. Машғулотнинг бориши ҳақида маълумотларни ёзиб бориши уни объектив баҳолаш учун асос бўлади. Таҳлил қилинган машғулотдан сўнг ўқитувчининг ютуқ ва камчиликлари муҳокама этилади. Машғулотнинг натижасини муҳокама этишда, аввало, сўз машғулот ўтган ўқитувчига берилади. У машғулот ўтишдан кхзлаган мақсадига этишганлиги ҳақида қисқача маълумот беради. Шундан сўнг машғулотга қатнашганлар ўз фикрларини иложи борича далиллар келтириб, билдирадилар. Ўтилган машғулотнинг афзаллик ва камчиликларини кўрсатадилар, камчиликларни бартараф этиш йўлларини тавсия сифатида билдирадилар. Бу пайтда маълум мунозара ҳам бўлиши мумкин. Ҳар қандай машғулотни таҳлил этишда, аввало, ўқув материалининг ўзига хослигини, таҳсил олувчилар ва ўқитувчининг хусусиятларини ҳисобга олишни унутмаслик зарур. Муҳокама охирида машғулотнинг мазмундорлиги, кўзланган мақсадга эришилганлиги, мавжуд ютуқ ва камчиликларини ўзида ифодаловчи қисқача хулоса қилинади. Ундан сўнг таҳлил этувчилар томонидан кузатиш ва таҳлил этиш режаси ҳақидаги хужжатлар расмийлаштирилади.

Назарий машғулотларни таҳлил этиш режаси.

Шахар (қишлоқ).

Олий ўқув юрти

Курс.

Гурӯҳ.

Ихтисослиги.

Ўқув предмети.

Ўқитувчи.

Сана.

Кузатувчининг Ф.И.Ш. ва эгаллаб турган лавозими.

Машғулот (машғулот) мавзуси ва унинг тартиб рақами.

Машғулот тури.

Машғулот қўриниши.

Машғулотнинг ташкил этилиши.

- Машғулот моддий-техник таъминотининг тайёрлиги:
ясси кўрсатмали қўлланмалар;
ҳажмли кўрсатмали қўлланмалар;
кино ва диафильмлардан лавҳалар
электрон таълим ресурслари;
ишлийдиган моделлар, асбоблар, макетлар, тринажёр (машқ қурилма)лар;
тарқатма материалларнинг мавжудлиги;
ахборот-маълумот олиш манбалари, схемалар, жадваллар ва кабилар;
ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг иш ўринларини жиҳозланганлиги;
Ўқитувчининг машғулотга тайёргарлиги:
машғулот режаси ва матнининг мавжудлиги;
дастурӣ материални билиши;
предметлараро алоқадорликдан фойдаланиши;
ишлиб чиқаришнинг аниқ соҳасини ўзига хос хусусиятларини билиши;
хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилиши;
таҳсил олувчиларнинг индивидуал ўзига хослик жиҳатларини билиши;
ўқитишининг техник воситаларидан фойдалана олиш малакаси;
Таҳсил олувчиларнинг тайёргарлиги:
қатнашиши, ташқи кўриниши, дафтар ва бошқа ўқув предметларининг
мавжудлиги;
аввал ўтилган материаллар мазмунини билиши;
таҳсил олувчиларни ушбу машғулотдаги материални ўзлаштиришга бўлган
қизиқиши (кайфияти).

Машғулотни оқилона ташкил этилганлиги:
машғулотни аниқ ўз вақтида бошланганлиги, ўқитишининг техник воситалари,
кўрсатмали материаллардан оқилона фойдаланиши;
машғулот режасининг ўрганилаётган мавзу мазмуни, тузилмасига мос
келиши;
машғулотнинг босқичлари бўйича суръатининг оқилоналиги;
ўқитувчи ва таҳсил олувчилар фаолияти нисбати;
Ўқитувчининг фаолияти:
таҳсил олувчилар олдига машғулотнинг вазифаларини тўғри ва тушунарли
кўйилганлиги;

ўрганилаётган материалнинг ўқув дастурига нечоғлик тўғри келиши;

ўрганилаётган материални давлат таълим стандартига тўғри келишини таъминланганлиги;

умумтаълим, умумкасбий ва маҳсус билимларга таянган ҳолда янги билим ва иш-ҳаракат усусларини шакллантириши;

техник-технологик малакаларни шакллантириш;

машғулотда ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш шакли (ёппасига, гурух, индивидуал);

таҳсил олувчиларнинг изланувчан фаолиятини ташкил этиш;

таҳсил олувчиларнинг билиш фаоллигини шакллантириш;

таълим принципларини амалга жорий этиши (предметлараро алоқадорлик, касбий йўналганлик, политехнизм, узвийлик, тушунарлилик ва шу кабилар);

ўқитиша нисбатан кўп қўлланган усувлар; яъни ўрганилган материални мустаҳкамлаш, билим ва малакаларни такомиллаштириш бўйича машқларни бажарилишини ташкил этилиши;

ўрганилаётган мавзу, предмет ва эгалланаётган ихтисосликка таҳсил олувчилар қизиқишини уйғотиш усувларидан фойдаланиши;

таҳсил олувчилар билим ва малакасини назорат этиб баҳолаши;

ўтган машғулотларни ўзлаштирмаган таҳсил олувчиларга бу борада ёрдам ташкил этиш;

уйга берилган вазифага тушунча бериш.

Таҳсил олувчиларнинг ўқув фаолияти:

машғулотда ўтилаётганларга онгли муносабати;

мехнат операцияларининг тўғри бажарилиши;

ўлчов-текширув приборларидан фойдалана олиш малакаси;

ўз иш ўрни ва меҳнатини оқилона ташкил этилиши;

техник ва технологик талабларга амал қилиши;

маълумотнома ва маҳсус адабиётлардан фойдаланиш малакаси;

берилган ишни меъёрий вақт ичида бажара олиши;

ўқув ишларида юқори натижаларга эришиш учун интилиши;

материал, энергия, вақт кабиларни иқтисод қилишга интилиши;

ўз иш ўрни, жиҳозлар ва асбоб-ускуналарга эҳтиёткорона муносабатлари;

меҳнат ташаббускорлигини кўрсатиши.

Машғулотнинг умумий баҳоланиши:
таҳсил олувчилар томонидан янги материални ўзлаштирилиши
(аңгланганлиги, мустаҳкамлиги);
умумкасбий малакаларни шаклланганлик даражаси;
машғулотдан кўзланган мақсадга эришилганлик даражаси;
умумий хулоса.
- Машғулотларни янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар ва тавсиялар.

Машғулот ўтган ўқитувчининг имзоси.

Кузатиб таҳлил этувчи(лар)нинг имзоси.

Ишлаб чиқариш таълими машғулотларини кузатиш ва таҳлил қилиш режаси
(методикаси).

Олий ўқув юрти

Курс.

Гурӯҳ.

Мутахассислиги.

Ўқув предмети.

Ўқитувчи.

Сана.

Кузатувчининг Ф.И.Ш. ва лавозими.

№ машғулот мавзуси.

Машғулот тури.

Машғулот кўриниши.

Машғулотни ташкил этилганлиги.

ўқитувчи (уста)да машғулот режасининг мавжудлиги;

устахонанинг санитария-гиёна ҳолати;

машғулотни керакли дидактик, маҳсус ва ёрдамчи жиҳозлар, асбоб-ускуналар
ва шунга ўхшашлар билан таъминланганлиги;

ўқув режалаштириш ҳужжатларининг мавжудлиги;

машғулот вақтини оқилона бўлиниши ва ундан фойдаланиш даражаси;

машғулотнинг бошланиши.

Машғулотнинг дидактик таҳлили:

Машғулот мақсадларининг қўйилиши: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи.

Дидактик принципларни амалга жорий этилиши.

Машғулотда ишлаб чиқариш талими тизимларидан фойдаланилиши.

Ўқув материали мазмунининг мақбуллиги.

Машғулот тузилмаси.

Ўқитишни индивидуаллаштириш усуллари.

Таҳсил олувчиларнинг ижодий фаолликларини шакллантириш усуллари.

Янги малакаларни шакллантириш: (ўқув-билиш, конструктив-техник, ташкилий-технологик, операцион-назарий).

Машғулотда назорат ва таҳсил олувчилар ўз-ўзини назорат қилишини ташкил этилганлиги.

Услубий таҳлил:

ўқитиш усули ва йўл-йўриқ кўрсатиш.

Ўқиш усуллари (ўқув ишлаб-чиқариш фаолияти).

Машғулотда таҳсил олувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш.

Машғулотда таҳсил олувчилар мустақиллигининг намоён бўлиши.

Психологик таҳлил:

Машғулот давомида таҳсил олувчиларда қизиқиш уйғотиш мақсадида турли усул, восита, шарт-шароит кабилардан фойдаланилганлиги.

Машғулотнинг бориши.

Кириш йўриқномаси:

таянч билим, кўнікма ва малакаларнинг долзарблиги ҳамда тизимлаштирилганлиги;

таҳсил олувчиларни ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажаришга рухан тайёргарлиги;

машғулот мақсадларининг қўйилиши ва ўқув материали мазмунини тушунтирилиши, кўзда тутилган касбий малакаларни амалий фаолиятда зарурлигини кўрсатилиши;

иш ўрни, жиҳозлар, мосламалар, қурилмалар, техник хужжатлар билан таништирилиши;

жиҳозлар, асбоб-ускуналар, приборлар, мосламалар ва шу кабилардан тўғри фойдаланиш ва хавфсизлик қоидаларига амал қилишни тушунтирилиши;

иш усулларининг бажарилишини кўрсатиш;
ўқув ишлаб чиқариш ишларининг бажарилиш кетма-кетлигини тушунтириши;

иш давомида қўйиладиган типик ҳолатлар моҳиятини тушунтириш;

бажарилётган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини босқичма-босқич ва кетма-кет назорат қилиб борилишини тушунтириш;

таҳсил олувчилар билими ва улар томонидан хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилишининг танлаб назорат қилиниши;

кириш йўл-йўриғини таҳсил олувчилар томонидан тўғри ва тўлиқ ўзлаштирилганлигини танлаб назорат қилиш;

ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажариш учун сарфланадиган вақт бирлигининг кўрсатиб ўтилганлиги;

таҳсил олувчиларга ўқув ишлаб-чиқариш вазифаларининг берилиши.

Таҳсил олувчилар томонидан мустақил равишда бажарилиши лозим:

машқ;

операциялар;

мажмуавий иш;

лаборатория-амалий ишлари.

Мақсадли кузатув ва назорат:

алоҳида таҳсил олувчи ёки гурӯҳ ишининг бошланиши;

таҳсил олувчилар иш ўрнининг ташкил этилганлиги;

маълум босқичда ўқув-ишлаб чиқариш ишининг бажарилиш сифати;

таҳсил олувчилар томонидан асбоб-ускуналар, мосламалар, кўрсатмали-технологик харита кабилардан тўғри фойдаланаётганлиги;

таҳсил олувчиларнинг хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилиши;

типик хатолардан хабардор қилиш ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиш;

Жорий йўл-йўриқ.

таҳсил олувчилар томонидан асосий ва ёрдамчи иш-харакат усулларини тўғри бажариш тартибини тушунтириш;

машғулотда ўқув ишлаб чиқариш ишларининг жадаллигини аниқлаш;

сифат ва самарадорлик кўрсатгичларини назорат қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қиласлих ҳолатларининг олдини олиш;

қийин иш-ҳаракат усулларини қўшимча равишда кўрсатиш ва моҳиятини тушунтириш.

Якуний йўл-йўрик.

ўқув гуруҳининг ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш;

гуруҳ ишиниг иқтисодий жиҳатдан таҳлил этиш;

таҳсил олувчилар йўл қўйган техник хатоларни таҳлил этиш;

машғулотга якун ясаш;

уйга вазифа бериш;

Машғулот бўйича умумий хулоса.

машғулотнинг ижодий томонлари;

камчиликлари;

тавсиялар.

Ўқитувчи (уста)нинг имзоси.

Кузатувчининг имзоси.

Назорат саволлари

1. Психологик билимларнинг хар бир инсон учун ахамиятини асослаб беринг?
2. Психологик билимларнинг педагог ва тарбиячилар учун ахамияти қандай?
3. Психологияни уқитиша маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларининг урни қандай?
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида куйилган вазифаларни амалга оширишда психологиянинг урни?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ , 1997. – 64 б.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1998. 63 б.
5. «Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли қарори.

6. Адизова Т.М. Башқарув мұлоқоти психологияси. - Т. 2000 й.
7. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: 2003, ТДПУ, - 174 б.
8. Азизхўжаева Н.Н. Таълим жараёни самарадорлигини оширишда педагогик технологиялар. Олий ўқув юрти ўқитувчилари ва малака ошириш курслари тингловчилари учун методик қўлланма. Тошкент 2007.

2-мавзу. Талабаларнинг мустақил таълим, курс ишлари ва битирув малакавий ишларини ёзиш ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси (2 соат маъруза)

РЕЖА:

1. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси.
2. Талабаларнинг курс ишларини ёзиш ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси.
3. Олий таълимда талабаларнинг битирув малакавий ишларини ёзиш ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси.

Таянч иборалар: *талаба, мустақил таълим, малакавий иш, раҳбар.*

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ.

Олий таълимда ташкил этиладиган машғулотларга қўйиладиган дидактик талабларни билиш, машғулотларни кузатиш ва таҳлил қила олиш.

Олий таълимдаги ўқитиши жараёни ўқитишининг шакл ва методларини ташкил қилишнинг кўпқиррали ягона тизими рамкасида амалга ошириш.

Олий таълимдаги ўқитишининг шакл ва методлари йифиндиси ўқув жараёнининг объектив қонуниятлари билан белгиланадиган ягона дидактик комплексни ташкил этиш.

Маъруза ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда ўқитишининг йўналтирув, ахборот бериш, методологик ва тарбиялаш функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Маърузанинг йўналтирувчи функциясида талабаларнинг диққати ўқув материалининг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади. Семинар олди машғулотлари, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади.

Унда адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинар олди машғулотлари семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади.

Семинар олди машғулотларида ўқитувчи етакчилик қиласи, чунки талабалар муайян ихтисослик бўйича ўқув ишларига кам эътибор берадилар, шунинг учун ҳам етарли даражада ташаббус кўрсата олмайдилар.

Семинар машғулотларида семинар олди машғулотларига нисбатан ўта муҳим вазифалар ҳал қилинади. Масалан, айрим семинарлар тематик боғланган муайян мунтазам курсни чуқур ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бошқалари эса бирор мавзуни ёки курснинг алоҳида ва ниҳоятда муҳим ва умумий бўлган мавзуларини методологик жиҳатдан ишлаб чиқишига бағишлиланган бўлади.

Махсус семинарлар маъруза мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фаннинг дастури мазмунига кирмайди. Одатда фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадида кўлланилади.

Лаборатория машғулотлари. Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шундаки, унда талабалар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки эксперимент ўтказадилар.

Илмий-техник тараққиёт шароитида лаборатория ишлари талабага назарий билимларни қўллаш механизмини чуқур ва кўргазмали ўрганиш имконини беради. Лаборатория машғулотлари талабада тадқиқот ўтказиши кўникумларини шакллантиради, фан ва техникага ижодий ёндашишни таъминлайди, экспериментнинг умумий методикасини эгаллашга имкон беради.

Лаборатория машғулотларини ўтказишида қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- лаборатория машғулотларини режалаштира олиш ва ўтказа олиш;
- лаборатория машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;

- фан ва ишлаб чиқариш бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий жиҳатдан тайёрлаш;
- лаборатория машғулотлари нафақат конкрет мавзу бўйича билимларни якунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

**ТАЛАБАЛАРНИНГ КУРС ИШЛАРИНИ ЁЗИШ ВА УЛАРГА РАХБАРЛИК ҚИЛИШ
МЕТОДИКАСИ**

Олий ўқув юртида олиб бориладиган таълим-тарбиявий жараённинг самарадорлиги бевосита машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилиш орқали аниқланади. Бу шароитда назария амалиёт ва ишлаб чиқариш билан узвий боғланиб, мутахассислик, мтаълим, умумкасбий ва предметларнинг ўзаро алоқадорлиги таъминланади ҳамда ақлий ва жисмоний меҳнат орасидаги фарқ имкон қадар йўқотилади. Бундай машғулот бошқача ташкил этилганлиги боис, бўлажак қасб-хунар соҳибларининг камол топишига қандай ҳисса қўшганлигини баҳолаш керак бўлади. Уйида таклиф этилаётган машғулотни кузатиш ва таҳлил қилиш режамиз айнан мана шу мақсадларни кўзда тутади. Унда қўйидагилар кўзда тутилган: машғулотнинг янги тузилмаси ва таълим усусларини; умумтаълим, умумкасбий, маҳсус ўқув предметларининг ўзаро боғлиқлигини; қасбий таълимнинг ўзига хос принциплари; қасбий йўналганлик, предметлараро алоқадорлик, политехнизм, узвийлик каби принципларни амалга оширилишини; таълимнинг мақбуллаштириш ғоясига амал қилинганлиги кабилар. Ушбу кузатиш режаси замонавий машғулотларга қўйилган умумий талабларни ҳам ишлаб чиқишида муҳим роль ўйнаши мумкин.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАРНИНГ БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАРИНИ ЁЗИШ ВА УЛАРГА РАХБАРЛИК ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ

Ўқитувчининг машғулотларни муваффақиятли ўтказиш учун уларга пухта тайёргарлик кўриши мухим аҳамиятга эга. Ўқитувчи нимани, қачон ва қандай ўргатилишини жуда аниқ тасаввур қилиши керак.

Ўқув режасида ўқув фанига ажратиладиган ўқув вақтини ярим йилликлар ва ҳафталар бўйича тақсимлаш мўлжалланади. ДТС талаблари асосида тузилган ўқув дастурида ўрганилиши лозим бўлган ўқув материалининг ҳажми, унинг мавзулар бўйича тақсими:мланиши ва ҳар бир мавзуни ўрганиш вақти белгилаб олинади. Дастурнинг ҳар бир мавзусида талабаларга меҳнат қилишнинг қайси йўл ва усувларини, қандай технологик операцияларни ўргатиш лозимлиги кўрсатилган. ДТСда олий ўқув юртини бирор ихтисос билан тамомлаган ёш мутахассис назарий билимлар олиш ва ишлаб чиқариш малакаларини қондириш юзасидан қандай талабларга жавоб бериши кераклиги кўрсатиб ўтилади.

Ўқитувчининг машғулотларга тайёргарлик кўриши ҳақида гап борганда, жуда кўп ҳолларда факат бир ўқув куни учун зарур ҳамма нарсаларни ўйлаб олиш, режалаштириш ва таъминлашнигина назарда тутилади. Бундай деб ўйлаш – нотўғри. Бутун мавзуни ўтишга тайёргарлик кўрмасдан туриб, алоҳида машғулотга тайёрланиб бўлмайди. Бошқа бир томондан, ўқитувчининг мавзуга ёки машғулотга тайёргарлик кўриши ҳамиша ўқув дастури устида ишлаш билан мусгаҳкамланган тақдирдагина муваффақиятли бўлиши мумкин.

Ўқитувчи тайёргарликни янги ўқув йили: бошланмасдан олдин бошлайди. Табиийки, тайёргарликнинг мазмунни тажрибали ва эндиғина ўқитувчилик қила бошлаган педагоглар учун турлича бўлади. Аммо ишнинг бу босқичи тажрибасидан қатъи назар ҳар бир ўқитувчи учун мажбурийдир.

Жамиятдаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар ёш мутахассислар олдига янги талаблар қўймоқда. ДТСтида, ўқув режа ва дастурларда ўзгаришлар юз бермоқда, таълимнинг замонавий таълим технологиялари, ахборот технологиялари пайдо бўлмоқда, янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилмоқда. Ўқитувчи машғулотларга тайёргарлик кўраётганида буларнинг ҳамасини ҳисобга олиши лозим.

Назорат саволлар:

1. Психология ўқитиши мақсади ва моҳияти.
2. Фанни ўқитишида илмий концепцияларга ёндошув.
3. Курс ва битириув иши мавзусини танлаш.
4. Билимларни ўзлаштиришида миллий психологик хусусиятларни хисобга олиш.
5. Ўқитишининг гуманистик йўлларини таҳлил қилиш.
6. Жаҳон психологиясида яратилган методлар, методикалар.

Адабиётлар руҳхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ , 1997. – 64 б.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1998. 63 б.
5. «Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли қарори.
6. Адизова Т.М. Бошқарув мулоқоти психологияси. - Т. 2000 й.
7. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: 2003, ТДПУ, - 174 б.

3-мавзу. Олий таълим муасасаси ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш методикаси. (2 соат маъруза)

Режа:

- 1.Олий таълим муасасаси ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш методикаси.
- 2.Таълим жараёнида илғор информацион-технологияларни қўллаш методикаси.

Таянч иборалар: олий таълим, муассаса, билим, ресурс база, метод, методика

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАСАСАСИ АХБОРОТ-РЕСУРС БАЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

Ўқитувчи – педагогик ва психологик жиҳатдан ўз ихтисослиги йўналишлари бўйича маҳсус маълумот, касбий тайёргарлик, юксак ахлокий фазилатларга эга ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахс саналади.

Олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ўқитиш шаклларининг оптимал даражада ташкил этишни, баркамол шахсни шакллантириш назариясини турли янги ғоялар билан бойитишни пухта билиши лозим. Зеро, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалиётга татбиқ этиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш, таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига ҳам боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилган. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим

аҳамиятга эга эканлигини англатади. Ушбу тажрибалар ўқитиш шаклларида фойдаланиладиган ўқитиш қонуниятлари, принципларини ижодий кўллашда, илмий билишга доир ғоялар, назариялар, қонуниятларни амалиётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги олий мактаб дидактикасида қандай ўқитиш жараёни қонуниятлари мавжуд?

Олий мактабдаги ўқув жараёнига системали ёндашув нуқтаи назаридан қаралганда унинг ўзаро боғланган икки тизими амал қиласди.

Биринчидан, ўқув жараёни ўзининг ўқитиш мақсади, ўқитиш ва ўқув фаолияти, таълим мазмуни, ўқитиш воситаларидан иборат мураккаб тизим сифатида намоён бўлади. Улар ўзаро бир-бири билан боғланниб кетган.

Иккинчидан, ўқув жараёни нисбатан йирик тизим бўлган педагогик жараённинг таг тизимиdir. Бу тагтизим ўқитиш, таълим бериш ва тарбия жараёни бирлиги сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга бу тизимда салмоқли тизим сифатида олий ўқув юрти ўқув жараёни ривожланиши қонуниятларига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий жараёнлар ва талаблар тизим ҳам мавжуд.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИЛГОР ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ

Ҳар бир етук мутахассис таълим берадиган фанлари туркумини илмий-назарий жиҳатдан ўзлаштириши, илмий билишга доир ғоялар, назариялар ва қонуниятларнинг мазмун-моҳиятини билиши лозим.

Илмий нуқтаи назардан назария - бу жараён моҳияти ҳақидаги ҳақиқий, исботланган, тасдиқланган билимлар тизимиdir. У илмий билишнинг олий шакли бўлиб, тадқиқ этилаётган объектнинг таркибини, функциясини ҳамда ривожланишини, уни ташкил этган элеменилар ўртасидаги алоқадорлик ва боғлиқликни очиб беради.

Назария-объектлар моҳиятини, уларнинг амал қилиш, ўзаро боғлиқлик, ўзгариш ҳамда ривожланиш қонунларини очиб бериш асосида воқеаларни изоҳлаш, янги ҳали маълум бўлмаган маълумотлар ҳамда уларни тавсифловчи

қонуниятларни, тадқиқ этилаётган тизимнинг истиқболдаги қонуний ҳолатини башорат қилиш имконини беради.

Назариянинг муҳим элементлари тамойиллар ва қонуниятлардир.

Тамойиллар-назариянинг умумий ва муҳим фундаментал асосларидир. Муайян назарияда аввалги билимни умумлаштириш натижаси сифатида тамойиллар хар томонлама асосланади. Назарияларнинг пайдо бўлиши ва изоҳланишида тамойиллар таянч вазифасини ўтайди. Қонулар тамойилларни аниқлаштириб, уларнинг амал қилиш “механизми”ни, оқибатларнинг боғлиқлигини очиб беради.

Фан қонунлари – объектив қонунларни назарий тасдиқлаш шаклида ифодаланишидир (яъни тадқиқ этилаётган жараёнларнинг, объектларнинг, воқефларнинг умумий ва зарурый боғлиқлик қонунларини ифодалайди.)

Шуни қайд этиш керакки, ўқитиш қонун ва қонуниятлари узлуксиз таълим тизимининг олдига қўйилган давлат ва ижтимоий ҳаётидаги маънавий-маърифий ўзгаришлар, таълим-тарбия жараёнининг мақсади ва вазифалари, фаннинг равожланиш даражасига бевосита боғлиқ ҳолда ўзгариб, янгиланиб туради. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қуидаги ўқитиш қонуниятларини педагогик амалиётга қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилди:

1. Ўқитиш мақсади, мазмуни, воситалари ва шаклларини ижтимоий муҳитга боғлиқлиги қонуни. Мазкур қонуният таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисмларини танлаш ва шакллантиришда жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришлар, ижтимоий муносабатларнинг таъсирини ўзида акс эттиради. Мазкур қонуният таълим олувчиларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантиришга имкон беради. Кейинги йилларда юкорида қайд этилган фикрлар, ўқитиш мақсади ва вазифалари ҳисобга олинган ҳолда таълим мазмунини янгиланади, таълим тизими жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳукуқий давлат қурилиши жараёнларига мосланади. Ўқув фанлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслклар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг янги авлоди яратилди, янги педагогик ва ахборот технологияларини таълим амалиётига татбиқ қилиш, узлуксиз таълим тизими моддий-техник таъминотини такомиллаштириш амалга ошириляпти.

2. Тарбияловчи ва ривожлантирувчи таълим қонунияти шахснинг таҳсил олиш жараёни, билим, фаолият усусларини ўзлаштириши, унинг ривожланиши ва шахсий сифатларининг шаклланишига асосланади. Ушбу қонунийт ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга имкон беради. Кадрлар тайёрлашнинг миллий моделида шахс муҳим ўрин тутади ва узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс, фуқарони шакллантириш назарда тутилади.

3. Таълим-тарбия жараёнининг таҳсил оловчиларнинг фаолияти характерига боғлиқлиги қонуни. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш усули ва олинажак натижа, педагогик бошқариш ва таҳсил оловчиларнинг фаоллигини орттириш ўртасида узвий боғлиқликни акс эттиради.

Мазкур қонун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида таълим-тарбия жараёнига илгор педагогик технологияларни қўллаш, ушбу асосда замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлашни, талабаларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишида таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш, талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятининг тўлақонли субъектига айлантиришни кўзда тутади.

4. Ўқув фаолиятини индивидуаллаштириш ва гурӯхли ўқитишни ташкил этиш бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги қонуни. Ўқитиш жараёнининг мақсади ва вазифасига мувофиқ таҳсил оловчиларнинг барчаси, шу жумладан ҳар бир шахснинг таҳсил олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, қизиқишини орттиришга асосланади. Бу қонунийт ўқитиш жараёнини табақалаштириш асосида иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг эҳтиёжи ва қизиқишига яраша билим олишларига имкон яратади. Шунингдек, ўқитишни индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш, шахсга йўналтирилган технологияларни қўллаш заруратини келтириб чикаради.

5. Ўқитиша назария ва амалиётнинг бирлиги ва узвий боғлиқлиги қонуни. Таҳсил оловчиларнинг ўқитиш жараёнида билимлар, тушунчалар, ғоялар, назарияларни онгли ва мустаҳкам ўзлаштиришига эришиш, уларни амалиётда қўллаш кўнималарини шакллантиришга асосланади. Ушбу қонунийт фан, техника, ишлаб чиқариш ва амалий тажрибаларнинг ўқув жараёни билан интеграциясини, уйғунлигини амалга оширишга имкон беради. Мазкур қонун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий – сиёсий ҳаётда мустақил равишида мўлжални

тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш каби вазифаларни амалга оширишни назарда тутади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун биологияни ўқитишида ўқув дастуридан ўрин олган лаборатория, амалий машғулотлар ва экскурсияларни ўз ўрнида самарали ўтказиш, талабаларнинг билиш фаолиятини индивидуал ва кичик гурӯхларда ташкил этиш ва бошқариш орқали талабаларнинг ўзлаштирган билимларини амалиётда кўллаш, амалий ва ўқув меҳнати кўнималарини таркиб топтиришга эътиборни қаратиш лозим.

6. Педагогик жараён бирлиги ва яхлитлиги қонуни. Педагогик жараённинг яхлит ва таркибий қисмлари ўртасидаги узвий боғланишларни, шунингдек, таълим жараёнининг мазмуни, воситалари, методлари, шакллари, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг ўқитиши мақсадлари билан уйғун равишида боғлиқлигини таъминлайди.

Юқоридаги фикрлар ҳисобга олинган ҳолда ўқитиши жараёни давлат ва ижтимоий буюртмаларга мувофиқ мақсадларни, таълим мазмуни, педагогик мулоқот воситалари (ўқитиши воситалари, методлари ва шакллари), ўқитувчи ва талабалар фаолияти шакллари, ўқув-билиш жараёнини ташкил этиш ва назорат қилишни ўз ичига олади.

Ҳар бир фаннинг обьекти, предмети, илмий-тадқиқот методлари бўлар экан, у фан бўлиб шакллангунга қадар муайян тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтади. Шу боис ҳар бир фан ўқитувчиси ўз фанининг тарихий ривожланиш босқичлари, эришилган ютуқлар, янгиликлар, муаммолар, илмий-тадқиқот ва изланишлар натижаларидан хабардор бўлиши лозим. Маълум соҳа бўйича ўз илмий изланишларини тажрибалари асосланиб амалга ошириши зарур.

Дарслик - давлат таълим стандарти, ўқув дастури, методик ва дидактик талаблари асосида белгиланган миллий ғоя сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштиришга қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган, ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қиласиган восита ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Курс иши ва Битирув малакавий ишлари ёзилишига қандай талаблар куйилади?
2. Курс ишининг тузилиши қандай?

3. Битирув малакавий ишининг ёзилиш босқичларини айтиб беринг?
4. Ёзма иш усулини тадбик етиш буйича Намунавий Низом билан танишиб чиқинг.
5. Педагогик амалиётнинг ахамиятини ўз фикрингиз билан тушунтириб, асослаб беринг.
6. Укувчи ва синф жамоасини урганишда кайси психологик методларни куллаган ма'кул?
7. Дарс ўтиш жараёнида ўкувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳамда индивидуал хусусиятларини хисобга олишдан максад нима?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ , 1997. – 64 б.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1998. 63 б.
5. «Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли қарори.
6. Адизова Т.М. Бошқарув мулоқоти психологияси. - Т. 2000 й.
7. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув кўлланма. – Т.: 2003, ТДПУ, - 174 б.
8. Азизхўжаева Н.Н. Таълим жараёни самарадорлигини оширишда педагогик технологиялар. Олий ўкув юрти ўқитувчилари ва малака ошириш курслари тингловчилари учун методик кўлланма. Тошкент 2007.
9. Барышникова З.А. Организация самостоятельной познавательной деятельности студентов – заочников. – М.: 2000. с.
10. Батурина Г.И., Кузина Т.Ф. Введение в педагогическую профессию. Москва “АСАДЕМА” 1999 г.

11. Батышев С.Я. Профессиональная педагогика. –М.: Профессиональное образование, 1997, 511 с.
12. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. –Т.: Фан, 2007. 143 б.
13. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИРПО, 1995. – 336 с.
14. Беспалько В.П. Теория учебника: Дидактический аспект. – М.: Педагогика. 1998. – 160 с.
15. Гребенюк О.С., Гребенюк Т.Б. Теория обучения. Москва “ВЛАДОС пресс” 2003.
16. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 29 б.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. "Онг фаолиятда пайдо бўлади ва фаолиятида шаклланади" мазкур фикр муаллифи қайси қаторда ко’рсатилган?**
 - a. С.Л.Рубинштейн
 - b. Л.С.Виготский
 - c. В.М.Теплов
 - d. П.П.Блонский

- 2. "Шахс бу ташқи таъсирлар йўналишини ўзлаштирувчи ички шарт шароитлар йигиндиси бўлади" деган фикрни қайси олим курсатган?**
 - a. Рубинштейн
 - b. Петровский
 - c. Е.Ельконин
 - d. Рубинштейн, Петровский

- 3. “Ўсмирлик даври психологияси” асарининг автори ким?**
 - a. Е.Шпрангер
 - b. К.Мюллер
 - c. Ж.Пиаже
 - d. К.Кречмер

- 4. «Эса да сақлашдан маҳрум бўлган одам ҳамма вақт янги тугилган шақалоқнинг аҳволида булар екан» - деган бу сузлар ким тарафидан айтилган?**
 - a. И.Сеченов
 - b. И.Павлов
 - c. Ж.Пиаже
 - d. К.Д.Ушинский

- 5. «Фрейдизм» ёки психоанализ илмий юналиши, бу –**
 - a. онгсизлик
 - b. онг
 - c. ирсийлик
 - d. хулк атвор

- 6. «Гештальт» психология» илмий юналиши, бу –**
 - a. образ
 - b. хулк атвор
 - c. онгсизлик
 - d. Ирсийлик

- 7. «Жон ҳақидағи» трактатни ким ва қачон ёзған?**
- a. Аристотел` – б.е.ш. 4-3 асир
 - b. Платон б.е.ш. 4-3 асир
 - c. Ибн Сина - 9 асир
 - d. Аверроис -12 асир
- 8. «Характер» сўзи қайси тилдан келиб шикқан ва у қандай манони англатади?**
- a. грек тилидан «хосса, белги» деганни
 - b. грек тилидан, «юл, усул» деганни
 - c. лотин тилидан, «тарбия деганни»
 - d. рус тилидан, «хулк атворт» деганни
- 9.– кишининг шу пайтда ма’қул ёки зарур деб топган иш ҳаракатини тассавур демакдир**
- a. мақсад
 - b. рефлекс
 - c. инстинкт
 - d. кўникма
- 10.....галдаги битта оддий вазифани бажаришга қаратилган нисбатан тугалланган фаолиятнинг таркибий қисми**
- a. ҳаракат
 - b. Одат
 - c. Мотив
 - d. саъи –ҳаракат
- 11..... психика тараққиёт маҳсули ва фаолият натижаси деб қаралса уни то’г’ри тушуниш мумкин**
- a. онгни фаолиятда ривожланиши
 - b. Детерминизм
 - c. онг ва фаолият бирлиги
 - d. психика
- 12..... бу шундай психик жараёнлар ҳолатлар йиг’индики, унда инсон о’з хатти-раракатларига жавоб бермайди, англамайди?**
- a. онгсизлик
 - b. туш кўриш
 - c. алаҳлаш
 - d. Галлюцинация
- 13.....психиканинг енг юксак даражаси бўлиб у, фақат инсонгагина хосдир.**
- a. онг
 - b. психика

- c. онгсизлик
- d. амалий тафаккур

14.1873 йили нашр етилган “Ким ва канака килиб психологияни ишлаб чикади” номли рисоланинг автори ким?

- a. И.М.Сеченов
- b. И.Павлов
- c. В.М.Бехтерев
- d. И.Лонге

15.Адаптация деган нима?

- a. берилган тасирларга сезги азоларининг мослашиши куникиши
- b. Сезгирикнинг бир тури
- c. Сезгиларимизнинг кучайиши
- d. Сезгирикнинг ҳаддат ташқари кучайиши

16.АКШда кенг таркалган социогенетик назарияларнинг бири қайси?

- a. мустакил узлаштириш назарияси
- b. Харакатни узлаштириш
- c. психоанализ назарияси
- d. инсоннинг тана тузилишига асосланган назария

17.Анализатор, бу

- a. сезгининг пайдо булишида керак булган анатомик анатомийик - физиологик тизим
- b. Сезги азолари
- c. афферент нерв, рецептор
- d. бош майдаги маҳсус марказ

18.Аниқ фаолият турларига кўра психология соҳалари қайси қаторда кўрсатилган?

- a. муҳандислик, меҳнат, педагогик психология, авиасия
- b. ёш психологияси, маҳсус психология, олигофренопсихология
- c. меҳнат психологияси, тиббиёт психологияси, маҳсус психология
- d. спорт психологияси, савдо психологияси, ҳарбий психология, инстинктив психология

19.Апперцепция - бу ...

- a. идрокнинг шахс ва унинг тажрибасига боғлиқлиги
- b. ўсмиликнинг ўтиш даври кризиси
- c. вақтни, қаракатни идрок қилиш
- d. Шахснинг адаптацион даври

20.Ассоциатив психология оқими качон пайдо булган?

- a. 18 асрда
- b. 16 асрда
- c. 17 асрда
- d. 15 асрда

21.Астеник эмоция-

- a. шахснинг фаоллигини сусайтурувчи кечинмалар
- b. Унчалик кучли бо'лмаган лекин жуда узоқ вақт давом етадиган ҳиссий ҳолат
- c. Ҳис-туйг'уни юзага келтирувчи сабаб
- d. ахлоқий, иродавий, ўз-ўзига бўлган муносабатларга эмоционал

22.Атроф-мухитдаги дунёни нотуғри, хато идрок этиш – бу

- a. иллюзия
- b. Аглюцинация
- c. Адаптация
- d. Апперцепция

23.Атроф-мухитдаги дунёни туғридан туғри емас ва умумийлашган турда билиб олиш – бу

- a. тафаккур
- b. ҳаёл
- c. Есда сақлаш
- d. Сезги

24.Биогенетик концепция асосчилари кимлар?

- a. Ф.Мюллер, Е.Геккел .
- b. Мюллер Е.Кречмер, К.Левин
- c. Штерн,
- d. Е.Геккел, .Штерн

25.Биогенетик назария конуни нима деб аталади?

- a. Рекопуляция конуни
- b. Кречмер конуни
- c. Роллар назарияси
- d. Интеллект назарияси

26.Биогенетик назариянинг асосий максади нима?

- a. Биологик томондан этилиш ва хар томонлама ривожланиши
- b. Наслий роли ва ижтимоий омил
- c. Уй хаелнинг ривожланиши
- d. Шахсни биологик томондан тадқик килиш

27.Биринчи психологик лаборатория каерда пайдо булган?

- a. Германия
- b. Франция
- c. Англия
- d. Россия

28.Биринчи психологик экспериментал лабораториялар қайерда ва ким тарафдан очилган?

- a. В.Вундт-Германия
- b. З.Фрейд –Австрия
- c. И.Павлов-Россия
- d. Жан Пиаже-Швейцария

29.Бихевиоризм канака мънони англатади?

- a. хулк-атвор
- b. онгсизлик
- c. образ
- d. Онг

30.Бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир етган нарсаларнинг бир бутин образининг мияда тасаввурланиши – бу қайси психик жараён булади?

- a. идроқ қилиш
- b. сезги
- c. диккат
- d. Ҳаёл

31.Болалик психологиясининг асосини кайси олимлар юналтирган?

- a. Запорожец,Эльконин
- b. Б.Анацев,Рубенштейн
- c. Леонтьев,Смирнов
- d. Э.Соколов